

РАЗДЕЛ 3
IJTIMOIIY VA TASHKILOT XIZMATLARINI BOSHQARISH
ЎЙЫМ ҚЫЗМЕТТЕРІН ЭКОНОМИКА ЖӘНЕ БАСҚАРУ
ЭКОНОМИКА И УПРАВЛЕНИЕ ОРГАНИЗАЦИЯМИ СФЕРЫ УСЛУГ

Ш.А. Уралов, Ю.П. Урунбаева
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

АҲОЛИ ТУПМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШДА ВА БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА
ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИНГ БИҚИЁС ЎРНИ

Аннотация. *Мақолада хозирги кундаги долзарб мавзулардан бири бўлган аҳоли бандлигини таъминлашдаги камчиликлар, кўрсаткичлар кенг кўламда ёритиб берилган.*

Калим сўзлар: *аҳоли, турмуш даража, ишлаб чиқариш, жамият, хизмат кўрсатиш.*

Жамияттаракқиётининг хозирги босқичида иқтисодиётнафақати шлаб чиқариш, балкиминглаб хизмат турларини мужассамлайдиган соҳалар мажмуига айланди. Хизмат кўрсатиш соҳаси бугунги кунда миллий иқтисодиётни жадал суъратлар билан ривожлантираётган, аҳоли турмуш даражаси ҳамда сифатини яхшилашда юқори самара бераётган соҳадир. Ушбу соҳанинг миллий иқтисодиётдаги мавқеи мустаҳкамланиб, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг етакчи омилига айланганлиги жамиятнинг муҳим хусусиятларидан биридир. Хизмат кўрсатиш соҳаси турли иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, табиий, қолаверса, маданий жараёнларнинг ўзаро боғлиқликда ривожланишининг хосиласи бўлиб, пировард натижада, инсон турмуш даражаси ва сифатининг яхшиланиб боришида ўз ифодасини топади.

Диссертацияда ушбу соҳа борасидаги мавжуд билимларни чуқурлаштириш нуқтаи назаридан, «хизмат», «хизмат кўрсатиш», «сервис» атамаларининг диалектик асослари, хусусан, унинг мазмун-моҳияти, шаклланиш жиҳат ва йўналишлари, хусусиятлари, ўрни ва аҳамиятининг илмий-назарий қирраларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, «хизмат», «хизмат кўрсатиш», «сервис» тушунчаларига муаллифнинг янги таҳрирдаги такомиллашган таърифлари берилиб, бунда уларнинг иқтисодий моҳияти жиҳатидан бир бирига яқин ўзаро алоқадорлигидан ташқари, фалсафий ёндашиш нуқтаи назаридан, унинг жараён эканлигини, жараённи эса ҳаракат деб билиб, оддий эмас, балки инсоният жамиятининг ривожланишига, равнақ топишига қаратилган ҳаракат тамойиллари асосида ривожланиш хусусиятлари очиб берилди.

Бизнинг фикримизча, хизмат – бу аҳоли, давлат ва жамият эҳтиёжларини максимал даражада қондиришга йўналтирилган, аҳоли турмуш даражасининг (барча табақаларининг маданий хордиқ чиқаришига, соғлиғига, илмий салоҳиятига, кайфиятига, ҳар кунлик рўзғор ташвишлари учун сарфлайдиган қимматли вақтларининг тежалишига) юксалишига кўмаклашадиган жараёндир. Хизмат кўрсатиш – бу аҳоли ҳар бир қатламнинг (эҳтиёж сезганда) моддий-маънавий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ва ушбу хизматларни ишлаб чиқарувчилари томонидан кўрсатилиши лозим бўлган фаолиятдир.

Сервис – ходимнинг моҳирлигидан келиб чиқувчи малакали ақлий меҳнатнинг ҳиссаси кўпроқ барча йўналишда кўрсатиладиган юқори сифат (янги замонавий технологиялар ёрдамида интернет, консалтинг, экзотик ва ҳ.к хизматларнинг аҳоли

табақаларининг эҳтиёжига қараб кўрсатиладиган) кўрсаткичларга эга бўлган хизматдир.

Юқорида келтирган таърифимиздан, қолаверса, иқтисодий қарашлардаги илмий асосланган мулоҳазаларга (Ўзбек тилининг беш жилдлик изоҳли луғатининг тўртинчи жилди «хизмат – иш; лавозим; хизмат кўрсатиш; ёрдам; аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш ва шундай хизматнинг ўзи»)5 таянган ҳолда, ушбу фаолият турлари аниқ манзилга мўлжалланган ҳаракат сифатида қаралиши лозим, деган назарий хулосага келинди. Аммо, шуни таъкидлаш лозимки, аҳолининг турмуш даражасини оширишга қаратилган ҳар қандай фаолият аксарият ҳолларда хўжалик субъектлари томонидан амалга оширилади. Бозор иқтисодиёти шароитида инсон (аҳоли) барча товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчиси, истеъмолчиси ва сотувчиси вазифаларини ҳам бажаради. Демак, хизмат кўрсатиш соҳасидаги турли мулкдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолияти ҳам охир-оқибатда аҳолининг манфаатига, унинг талаб-эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади.

Шу сабабдан, хизмат кўрсатиш соҳаси билан аҳоли турмуш даражаси ҳамда сифати ўртасидаги ўзаро боғлиқликни баҳолаш, хизмат кўрсатиш соҳасини жадал суръатлар билан ривожлантириш, хизмат турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш асосида аҳоли моддий фаровонлигини оширишнинг чексиз имкониятларини аниқлаш нафақат «хизматлар» тушунчасига доир, балки «аҳоли турмуш даражаси» тушунчасини ҳам назарий ва методологик жиҳатдан тадқиқ этиш лозим, деган назарий хулосага келинди.

Аҳоли турмуш даражасига муаллиф талқинида берилган ушбу таърифда иқтисодиёт соҳасидаги адабиётларда мавжуд таърифлардан фарқли равишда, аҳоли турмуш даражасини белгилашда айнан хизматларнинг катта роли борлиги алоҳида эътироф этилган. Ишда адабиётларда ҳозиргача мавжуд бўлган таърифларнинг афзаллик жиҳатлари ва айни бир пайтда, муаллиф талқинидаги таърифларнинг улардаги айрим камчиликларни тўлдиришга қаратилганлиги назарий жиҳатдан асослаб берилди. Хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳоли турмуш даражасига таъсир кучини аниқлаш ва улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни асослаш мақсадида аҳолини турмуш даражасига қараб тўрт гуруҳга (юқори, тўқ, ўрта ва эҳтиёжманд) бўлдиқ. Аҳолини турмуш даражасига қараб турли гуруҳларга таснифлашдан мақсад, унинг ҳар бир табақасига мос келадиган хизмат шакллари, турлари, сифати ва миқдорини аниқлашдан иборат. Биз ўтказган социологик тадқиқотлар оила даромадлари қанча юқори бўлса, уларнинг истеъмолида хизматларнинг, айниқса, юқори сифатли пулли хизматларнинг ҳам улуши шунча юқори бўлишини кўрсатди. Аксинча, эҳтиёжманд оилаларнинг истеъмолида моддий неъматлар (озик-овқат, кийим-кечак ва хоказолар) устунлик қилади, асосан, бепул хизматлар истеъмол қилинади (1-жадвал).

Ушбу оилаларда пулли хизматлар эса кам миқдорда истеъмол қилинади ёки умуман истеъмол қилинмайди. «эҳтиёжманд» иқтисодий терминларининг мазмун-моҳияти, шаклланиш жиҳат ва йўналишлари, хусусиятлари, ўрни ва аҳамиятининг илмий-назарий қирралари тадқиқ этилиб, муаллифнинг такомиллашган таърифлари берилди. Муаллиф талқинида берилган ушбу таърифларда аҳолининг турмуш даражаси билан унинг хизматларга бўлган талаби ўртасидаги боғлиқлик ўз ифодасини топди. Ишда иқтисодчи олимлар томонидан берилган таърифларнинг афзаллик жиҳатлари ва айрим камчиликлари, аҳолини турмуш даражаси бўйича тоифалашга доир муаллиф ёндошувлари назарий жиҳатдан асосланди. Жамиятда аҳоли турмуш даражасини оширишга доир муаммоларни ҳал этишда айнан эҳтиёжманд ҳолатда ҳаёт кечираётган аҳоли қатламларини аниқлаб, уларнинг сонини узлуксиз камайтириб боришга жиддий эътибор қаратмоғимиз лозим.

Ушбу жараённи амалга ошириш мақсадида 2016 йилда Самарқанд вилояти бўйича эҳтиёжманд ҳолатда ҳаёт кечираётган аҳоли қатламларини аниқладик. Ўтказилган тадқиқотимиз қуйидаги натижаларни берди: эҳтиёжманд оилалар сони 8111тани ташкил этган ҳолда нафақа олувчилар сони 55433 тани ташкил этган. Ушбу оилалар ўртасида хатлов ўтказилиб, улар уч тоифага ажратилди ва ҳар бир тоифага нисбатан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди, жумладан:

Биринчи тоифага давлат томонидан кам таъминланган оилалар учун кўрсатилаётган хизматлардан фойдаланиш мақсадида ўз даромадларини яшириб келаётган ва натижада асоссиз тарзда ижтимоий нафақалар олаётган (чет элдаги қариндошлари, бозор, уй хўжалигида чорва моллари ва бошқа даромад манбалари) оилалар киритилди. Иккинчи тоифа рўйхатида кам таъминланган оилалар киритилган. Лекин, ушбу тоифага томорқа ер майдонларига эга бўлган ва ундан фойдаланиш эвазига даромад топиш имконияти мавжуд бўла туриб, кам таъминланган оила сифатида давлат бюджети маблағларидан ўринсиз фойдаланаётган оилалар киритилди.

Учинчи тоифага ногиронлиги бўлган шахслар, якка-ёлғиз, боқувчисини йўқотган, сурункали касал ва 16 ёшга тўлмаган фарзандларини тарбиялаётган оилалар (оналар) киритилди. Натижада, биринчи ва иккинчи тоифадаги асоссиз тарзда ижтимоий нафақалар олиб келаётган оилалар (11087 киши) сони 20 фоизга мақбуллаштирилди ва бу 2017 йилда моддий ёрдам 90,0 млн.сўм, 2 ёшгача нафақа 322,6 млн. сўм, 14 ёшгача нафақа 227,2 млн.сўм, жами 639,9 млн.сўм бюджет маблағлари иқтисод қилиш имконини берди⁸. Иқтисод қилинган маблағлардан учинчи тоифадаги оилаларни ижтимоий химоя қилиш чоралари, сурункали касал фуқароларни даволаниш учун имтиёзлар кучайтирилди.

Оила даромадлари ва унинг хизматларга бўлган талаби ўртасидаги узвий боғлиқлик ҳақидаги тадқиқот натижалари хизмат кўрсатиш соҳасини, унинг пулли ва бепул шакллари, турларини вилоят ва туманлар аҳолисининг пул даромадларига қараб жойлаштириш ва ривожлантиришни режалаштириш, унинг яқин ва узоқ келажакдаги истиқболларини белгилаш учун асос бўлмоғи керак, деган нуқтаи назар шакллантирилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Урунбаева Ю.П.* Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг назарий муаммолари // «Иқтисодиёт ва таълим» илмий журнал // №1. 2012. 75-78 бетлар. (08.00.00; №11).
2. *Урунбаева Ю.П.* Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш - давр талаби // «Бизнес эксперт» илмий-амалий, иқтисодий журнал // №1. 2015. 11-20 бетлар. (08.00.00; №3).
3. *Урунбаева Ю.П.* Хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион жараёнларни жадаллаштириш давр талаби // «Иқтисодиёт ва таълим» илмий журнал // №3. 2016. 71-75 бетлар. (08.00.00; №11).
4. *Урунбаева Ю.П.* Повышения уровня жизни населения на основе развитие сферы услуг и сервиса //«Иқтисодиёт ва таълим» илмий журнал // №2. 2016. 15-18 бетлар. (08.00.00; №11).
5. *Урунбаева Ю.П.* Мамлакат ижтимоий - иқтисодий тараққиётида хизматлар соҳасининг ўрни //«Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнал, №4, 2016. 10-19 бетлар. (08.00.00; №10).